

## ШОМОН АФСОНЛАРИНИНГ ЖАНР ТАБИАТИ ХУСУСИДА

Darmonov Ikhomjon Karimovich, Namangan muhandislik  
texnologiya instituti akademik litseyining ona tili va  
adabiyot fani o'qituvchisi

## ABOUT THE GENRE NATURE OF SHOMON LEGENDS

Darmonov Ikhomjon Karimovich, Native language and  
literature teacher of the academic Lyceum of the Namangan  
Institute of Engineering Technology

## О ЖАНРОВОЙ ПРИРОДЕ ЛЕГЕНД О ШОМОНЕ

Дармонов Ильхомжон Каримович, учитель родного  
языка и литературы

Академического лицея Наманганского инженерно-  
технологического института



<https://orcid.org/0009-0008-7013-9821>

e-mail:

[DarmonovIkhomjon1979@gmail.com](mailto:DarmonovIkhomjon1979@gmail.com)

**Аннотация:** Афсоналар – халқ оғзаки бадиий ижодиётининг энг оммалашган ва қадимий эпик жанрларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади. Аждодларимиз эпик тафакқурини аниқлаш, эпик сюжет бадиий эволюциясини ойдинлаштириш, эпик сюжетдаги турли мифологик мотивлар генезиси борасида аниқ хулосага келиш, мифологик тасаввурлар ва қадимий эътиқодлар билан боғлиқ қарашларни тадқиқ этиш каби дунёвий илмнинг кўплаб масалаларини аниқлашда афсоналар муҳим тадқиқот объекти сифатида қаралади.

**Калит сўзлар:** афсоналар, мифология, функционаллик, таркиб, маданий контекст.

**Abstract:** Legends are important as one of the most popular and ancient epic genres of oral folk art. When solving many issues of secular science, such as determining the epic thinking of our ancestors, clarifying the artistic evolution of the epic plot, reaching a clear conclusion about the genesis of various mythological motifs in the epic plot, exploring views related to mythological visions and ancient beliefs, myths are considered as an important object of study.

**Keywords:** myths, mythology, functionality, content, cultural context.

**Аннотация:** Легенды важны как один из самых популярных и древних эпических жанров устного народного творчества. При решении многих вопросов светской науки, таких как определение эпического мышления наших предков, выяснение художественной эволюции эпического сюжета, достижение четкого вывода о генезисе различных мифологических мотивов в эпическом сюжете, исследование взглядов, связанных с мифологическими видениями и древними верованиями, мифы рассматриваются как важный объект об учебе.

**Ключевые слова:** мифы, мифология, функциональность, содержание, культурный контекст.

**КИРИШ.** Таниқли ўзбек фольклоршуноси К.Имомовнинг фикрича, афсонанинг тарихий ҳақиқатни акс эттириши, шаклий тузилиши, турли хил мотивлар талқини,

тавсифида бадиийлик устувор эмас, воқеа ва ҳодисалар билиш, ўрганишга йўналтирилган, асосий функцияси тарихий воқеа ва ҳодисалар ҳақида ахборот беришдан иборатдир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент, Фан, 2008. – Б. 16.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Фольклоршунос О.Сафаров: “Афсона” атамаси форсча “афсун” – “сеҳр-жоду” маъносини англатувчи сўздан олинган бўлиб, фантастика, хаёлий уйдирма асосида яратилган насрий ҳикояларга нисбатан қўлланади<sup>2</sup>, -деб ҳисоблайди. Тўғри, афсоналарда ҳикоя қилиш мавжуд, бироқ воеаларнинг тасвирлаш услубида ҳикоядан жиддий фарқлари ҳам бор. Фольклоршунос М.Рахмонованинг ёзишича, ўзбек халқ афсоналари ўзига хос образлилик ва бадийликка эга бўлиб, бу ҳолатни юзага чиқарувчи муайян поэтик ифода воситалари, лингвопоэтик белгилар, композицион унсурлар мавжуд<sup>3</sup>. Шунингдек, М.Рахмонова афсоналарнинг информатив вазифа бажаришини ҳам эътироф этган.

Фольклоршунос Е.С.Новикнинг докторлик диссертацияси учун тайёрлаган илмий маърузасида айтилишича, “Шомон афсоналари” атамаси фақат қаҳрамони шомон бўлган ҳикояларни билдиради. Уларнинг жанр хусусиятларига келсак, улар мемуарлар ва бличкалар, мифлардан тортиб афсоналар ва ривоятларга қадар кенг қўламли воқеаларни баён қилиш услуби билан ифодаланади. Бу матнлар корпусини қулай лаборатория материалига айлантиради, чунки жанр категорияси оғзаки ҳикоя соҳасида катта рол ўйнайди”<sup>4</sup>. Демак, Е.С.Новик фикрича, асосий қаҳрамони шомон бўлган ва шомон атрофида содир бўлган воқеаларни ифодаловчи оғзаки насрий ҳикоялар шомон афсоналарини англатади. Бизнингча, олима ҳикоя деганида воқеийликни баён қилиш услубини назарда тутган. Олиманинг “Сибир шомонлигида маросим ва фольклор” номли монографиясида шомон билан боғлиқ оғзаки наср намуналарини шомон афсоналари ва шомон насри каби ички типларга ажратади<sup>5</sup>. Шунингдек, олима шомон афсоналарини мавзу

<sup>2</sup> Сафаров О., Ўраева Д. Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди. 2-қисм. – Бухоро, 2006. – Б.9.

<sup>3</sup> Рахмонова М.Р. Ўзбек халқ афсоналарининг бадийлиги. Филол.фан докт.дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 15.

<sup>4</sup> Новик Е.С. Фольклор – обряд – верования: опыт структурно-семиотического изучения текстов устной культуры. Диссертация в форме научного доклада по совокупности опубликованных работ на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Москва, 1995. – С. 29.

камровига кўра икки асосий гуруҳга бўлиб таснифлайди:

1. Шомон мўъжизалари, кароматлари борасидаги афсоналар; 2. Илк шомоннинг туғилиши, шомонлик неъматини қабул қилиши, қадимда яшаб ўтган улўғ шомонларнинг таржимаи ҳоли ва бошқалар.

Олима шомон маросимлари шаклига асосан шомон афсоналарини гуруҳлаштиради. Дастлабки гуруҳга шомоннинг қудрати ва шомонликни қабул қилиши, иккинчи гуруҳга эса, турли культларни объект қилиб олган, шомон маросимлари жараёнида ижро қилинадиган афсоналарни киритган<sup>6</sup>.

Е.Н.Дувакин Сибир шомон афсоналари сюжетининг мотивлар таркиби борасидаги диссертация ишида шомон афсоналарининг сюжетига асос бўлган тарихий факт бошқа манбаларда учрамаслиги, у фақат ижро этувчи томонидан тарихий далил сифатида баён этилишини қайд этади<sup>7</sup>.

Бизнингча, шомон афсоналари шомоннинг қай тарихи шомонга айланиб қолганлиги, шомоннинг таъсирида унинг ҳомий руҳлари томонидан амалга ошган мўъжизавий ҳодисаларни ифодалайди. Ўтган асрнинг 30-йилларида Марказий Осиё бўйлаб илмий сафарда бўлган Л.П.Потапов хоразмлик порхонлар ҳақидаги афсоналарни ёзиб олган эди. Олимнинг кундаликларида қайд этилишича, Хоразм вилоятининг Хива тумани, Писканак қишлоғида истиқомат қилган ўша кезларда 39 ёшда бўлган порхоннинг қай тарихи порхон бўлиб қолганлигини изоҳловчи оғзаки ҳикояни келтиради. Ҳикоя қилинишича, Ёқут исмли қиз тахминан саккиз ёшларида кечалари туриб юрадиган, ўзи-ўзи билан гаплашадиган бўлиб қолади, кейинчалик оёқ-қўллари оғрийди, ишламай қолади. Яқинлари унинг дардини тушуна олмайдилар. Шунда кимдир унга бу

<sup>5</sup> Новик Е.С. Обряд и фольклор в Сибирском шаманизме. – Москва, 1984. – С. 237.

<sup>6</sup> Новик Е.С. Поэтика шаманских легенд (к вопросу о соотношении обряда и фольклора)//Эпическое творчество народов Сибири и Дальнего Востока (Материалы Всесоюзной конференции фольклористов)/Ред.:Н.В. Емельянов, В.Т. Петров. –Якутск: Якутский филиал СО АН СССР, 1978. –С. 104-109.

<sup>7</sup> Дувакин Е.Н. Шаманские легенды народов сибиря: сюжетно-мотивный состав и ареальное распределение. Автореф. Канд.филол.наук. – Москва, 2011. – С. 19.

жинларнинг таъсири, порхонликни бўйнига олса, соғайиб кетишини тушунтиради. Ёкутга доира олиб келиб берадилар ва доира чалиб жинларни, рухларни чакириб, улар билан мулоқот қила бошлайди. Шундан кейин Ёкутнинг оёқ-қўллари соғаяди<sup>8</sup>.

**МУНОКАМА.** Афсона матндан аёнки, сюжет шомоннинг қай тариқа шомонга айланиб қолганлиги тўғрисида ахборотни ташишга хизмат қилади. Бирок, афсона сюжетида икки образ кўзга ташланади. Биринчиси шомон, иккинчиси мифологик ҳомий. Афсонанинг асосий қаҳрамони ҳикоячи, воқеа-ҳодисалар унинг иштирокида содир бўлади. Тасвирланган воқеалар тингловчи учун ҳаёлий уйдирма, аммо айтувчи учун реал ҳақиқат характериға эга.

Юқорида Л.П.Потапов кундалигидан келтирилган порхонлар ҳақидаги оғзаки ҳикояларни таҳлил қилсак. Биринчи ҳикоя қаҳрамони Ёкут жинлар таъсири сабабли оғир дардга чалинади. Порхонликни қўл олгач, соғлиги яхшиланади. Бу афсонада қаҳрамоннинг ғайритабиий дардга йўлиқиши, азобланиши унинг порхонликни қабул қилишига сабаб бўлади. Жинлар билан мулоқот қилиш ва ўзга олам вакиллари билан суҳбатлашиш, улар ёрдамида одамларни даволаш порхоннинг функционал вазифаларига киради. Афсона бош қаҳрамони Ёкут тарихий шахс, унинг яшаш манзили, яшаган даври, уни кўрган киши томонидан тасдиқланмоқда. Демак бу афсонада тарихий шахс образи мавжуд.

Профессор М.Жўраевнинг тушунтиришича, “моддий оламнинг ибтидоси ҳақида маълумот берувчи, табиат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ нарса-ҳодисаларнинг пайдо бўлишини тушунтирувчи космогоник, этиологик, антропоморфик характердаги бир сюжетли фантастик ҳикоялар мифологик афсоналар дейилади”<sup>9</sup>. Демак, юқорида биз таҳлилга тортган эпик наср намунасида жин – мифологик образ иштирок этапти бу унинг

мифологик афсонага хос белгиси. Шунда биз бу оғзаки эпик наср намунасини мифологик афсонага хос деймизми?

Топонимик наср намуналарини тадқиқ этган фольклоршунос У.Сатторовнинг фикрига кўра, топонимик афсоналар муайян жой номлари келиб чиқишини изоҳлашга қаратилган, ҳаёлий уйдирмага асосланган, ихчам сюжетли оғзаки насрий ҳикоялар<sup>10</sup> дан ташкил топади. Биз таҳлилга тортган эпик матнда жой номининг келиб чиқиши изоҳланмаган. Демак, бу топонимик афсона эмас. Аммо унинг қаҳрамонлари реал тарихий шахслар. Унда тарихийлик категорияси кўзга ташланади. М.Раҳмонованинг ёзишича, “тарихий афсоналарнинг мавзу доираси ранг-баранг бўлиб, унда ўтмишда рўй берган муҳим тарихий воқеа-ҳодисалар, ҳаётда яшаб ўтган реал тарихий шахслар фаолияти, уруғ-қабилаларнинг келиб чиқиши, меъморчилигимиз тарихида муҳим ўрин тутган обидаларнинг қурилиши, шаҳарларнинг бунёд этилиши, авлиёларнинг кароматлари ва бошқалар ҳақида ҳикоя қилинади”<sup>11</sup>.

Бизнингча, авлиёларнинг кароматлари муайян эврилиш ҳодисаси, мўъжизага хос воқеийлик фонида тасвирланади. Шунинг учун тарихий афсоналар сирасидаги поэтик белгилари тавсифидаги авлиёлар ва уларнинг кароматлари тушунчасини чиқариб ташлаш лозим деб ҳисоблаймиз. Тўғри, авлиёларнинг кўпчилиги тарихий шахслар, уларнинг авлиёлиги эса, уларнинг каромат соҳиби эканлиги билан белгиланади. Бирок, авлиёларнинг кароматларида мифологик моҳият устунлик қилади, авлиё фаолияти қайсидир қадимий эътиқод таъсирида шаклланганлиги кўриниб туради. Шунинг учун диний характердаги афсоналарни тарихий афсоналар сирасига киритмаганимиз маъқул, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида устоз фольклоршуносларнинг афсона тавсифига доир қарашларига таянганимизда биз таҳлил қилаётган эпик матн

<sup>8</sup> Потапов Л.П. Дневник экспедиции узбекского государственного научно-исследовательского института//Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент, Фан, 2010. – Б. 172.

<sup>9</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари докт... дисс. – Тошкент, 1996. – Б.47.

<sup>10</sup> Sattorov U.F. O‘zbek xalq toponimik nasrining tasnifi va poetikasi.Filol. fan.dokt. (DSc) diss. avtoref. – Toshkent, 2023, – В.17.

<sup>11</sup> Раҳмонова М. Ўзбек халқ тарихий афсоналари. – Тошкент, Фан. 2001. – Б. 28.

афсонага хос, аммо, на тарихий, на мифологик, на топонимик афсона бўла олишининг гувоҳи бўлди. Чунки таҳлил қилинаётган эпик матн қахрамони ёзиб олинган пайтда яшаётган ва бошидан ўтганини ҳикоя қилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек фольклоршунослиги қўлга киритган назарий хулосаларида афсоналарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг узок ўтмишда содир бўлиши алоҳида урғуланади. Демак, воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиш замонида фарқ пайдо бўлаяпти. Яъни афсоналарда ҳодисалар узок ўтмишда, қадим замонларда содир бўлади, биз таҳлил қилаётган эпик сюжетдаги ҳодисалар эса, айна замонда содир бўлмоқда.

Фольклоршунос О.Қаюмов шундай эпик матнларни таҳлил қиларкан: “Шомон афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари: бундай оғзаки насрий ҳикояларда бош қахрамон айтувчининг ўзи бўлиб, тасвирланган воқеийлик муайян тарихий замонда, реал маконда содир этилиб илоҳий ҳодиса сифатида талқин қилинишида”<sup>12</sup>, -деб ҳисоблайди.

**NATIJALAR.** Демак, эпик сюжет воқеалари айтувчи – қахрамоннинг саргузаштлари сифатида тавирланиши, қахрамоннинг шомон эканлиги уни шомон афсонаси сифатида баҳолашимизга асос бўлади деб ўйлаймиз.

Тўғри, кузатганимиздек бу афсонада ҳам ахборот ташиш етакчи ўринда турибди. Шунингдек, ўзга олам вакиллариининг қахрамон ва унинг турмуш ўртоғига дахл қилиши, кўчқорнинг самода учиши каби мотивлар эса, мифологик моҳият касб этади. Аммо афсонанинг ғоявий йўналиши шомоннинг қай тариқа шомонга айланишини изоҳлашдан иборат эканлигини инобатга олиб, уни шомон афсонаси сифатида баҳолашимиз мумкин. Афсона сюжетида қахрамоннинг оғир дардга чалиниши ва воқеалар ривожини дарддан қутулиши учун шомонликни қабул қилганлигини изоҳлаш билан тугаганлиги бу шомон афсоналарига хос специфик характердаги эпик формуладир.

София ая Ашурова афсонасида: “Мен, Боболарнинг изми билан одамларни даволашга 31 ёшимда киришим керак эди. Мен эса, “бу

ишни уддалай олмайман”,- деб кўрқар эдим. Қандай қилиб табобат илмидан беҳабарлигимча инсонларни даволай олишимни ақлимга сиғдира олмас эдим. Боболар берган муҳлат тугади. Мен эса ҳали ҳам даволашни бўйнимга олмасдан розилик бермасдим. Шундан кейин Боболар мени жазолай бошладилар: улар руҳимни вужудимдан жудо қилишар, гоҳ жаннатда, гоҳ Маккаи мукаррамада сайр қилдира эдилар. Бу давр мобайнида эса уйда руҳсиз танамнинг устида мотам тутишар эди. Мен бу сафарларда Арофат тоғидан мунчоқлар тердим. Жаннат остоналарини супурдим. Мен ҳар сафар ўлиб тирилар эдим. Аммо, Боболар амрини бўйнимга олишга ўзимда жасорат топа олмас эдим. Ҳозирда эса вақтида амрларига бўйин эгмаганимдан жуда пушаймонман. Ахир, қанчадан-қанча дардмандларга, эҳтиёжманд кишиларга ёрдамим тегиши мумкин эди”<sup>13</sup>.

София аянинг Ғайб олами вакиллари билан мулоқот қилиб, замин оламидаги одам болаларига ёрдам бераётганига қарийб ярим асрга яқин муҳлат бўлган. Руҳларнинг талабларига бўйсунмаганлиги учун афсона қахрамонига ўз йўлларида юришини талаб қилган боболар унга одамларни даволаши мумкинлигини тушунтирадилар. София ая бу таклифни қабул қила олмайди, сабаби у табобатни билмаслигини тан олади. Боболар яхшилаб ўйлаб кўриши учун унга муҳлат берадилар. Муҳлат тугашига қарамасдан ўз розилигини билдирмагани учун София аяга руҳлар томонидан босим бошланади. Қахрамоннинг руҳини жисмидан жудо қиладилар. Уни нариги дунёга олиб кетишади, гоҳ жаннатда, гоҳ дўзахда сайр қилдирадилар. Бу пайтларда қахрамоннинг оиласидагилар жонсиз танаси устида йиғлаб ўтиришар эди. София ая ҳам алал оқибат Ғайб олами вакиллари томонидан қўйилган шартларга рози бўлгач, у мутлақо соғаяди ва дардига даво тополмаган беморларга фатво бериб, жой қилиб ётиши, боболар келиб даволашини айтади. Мазкур афсонада ҳам бевосита шомоннинг ғайб олам ва замин ўртасидаги воситачилиги, шомон касаллигига чалинганлиги, дардманд пайтида нариги дунёга сафар қилиш мотивлари, хомий

<sup>12</sup> Қаюмов О. Шомон афсоналари//Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. № 6. – Б.45-48.

<sup>13</sup> Қаюмов О. Ҳақиқатга айланган мўъжизалар. – Навоий:Алишер Навоий номидаги нашриёт. 2016 – Б.27.

руҳлар томонидан аввал жазоланганлиги кейинчалик дарддан фориг бўлиб, машҳур инсонга айланиши мотиви етакчилик қилади. Шунингдек, шомон афсоналарида мўъжиза юз бериши мотиви ҳам кўзга ташланади. Буни София аянинг боболар таклифига рози бўлгач, бир неча сонияда табибга айланиши, бошқа бир афсонада София аядан фатво олиб шифо топган беморнинг бир кечада ичкиликни ташлаб қурьон оятларини қироат қила бошлагани, қурьон ёзувларини шаррос ўқиш кўникмасини қўлга киритиши мотивларида кўришимиз мумкин.

Поэтик воқеийликнинг айтувчининг иштирокида, айна замонда содир этилиши, мифологик образлар тарихий реал шахс воситачилигида ҳаракатланиши, воқелар қаҳрамоннинг соғайиши жараёни, йўқолган буюмнинг топилиши, мавҳум предмет ёки воқеа-ҳодисанинг башорат қилинишининг бадиий ифодаланиши фақат шомон афсоналарининг табиатига хос бўлган поэтик хоссалардир<sup>14</sup>.

**ХУЛОСА.** Хуллас, шомон ёки унга мурожаат қилган шахс томонидан ижро этилувчи, биргина воқеа асосига қурилган, ихчам сюжетли, шомоннинг шомонликни қўлга киритиши ҳамда унинг қароматлари, саргузаштларини изоҳлашга қаратилган, воқеаларнинг ҳаёлий уйдирма асосида тасвирлаган оғзаки насрий ҳикоялар шомон афсоналаридир.

Ўзбек шомон афсоналари икки гуруҳга мансуб бўлади: 1. Шомоннинг шомонлик касбини изоҳлашга қаратилган афсоналар; 2. Шомоннинг магик маҳорати ва саргузаштларини ҳикоя қилувчи афсоналар.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент, Фан, 2008. – Б. 16.
2. Сафаров О., Ўраева Д. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди. 2-қисм. – Бухоро, 2006. – Б.9.
3. Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти. Филол.фан докт.дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 15.

4. Новик Е.С. Фольклор – обряд – верования: опыт структурно-семиотического изучения текстов устной культуры. Диссертация в форме научного доклада по совокупности опубликованных работ на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Москва, 1995. – С. 29.

5. Новик Е.С. Обряд и фольклор в Сибирском шаманизме.– Москва, 1984. – С. 237.

6. Новик Е.С. Поэтика шаманских легенд (к вопросу о соотношении обряда и фольклора)//Эпическое творчество народов Сибири и Дальнего Востока (Материалы Всесоюзной конференции фольклористов)/Ред.:Н.В. Емельянов, В.Т. Петров. –Якутск: Якутский филиал СО АН СССР, 1978. –С. 104-109.

7. Дувакин Е.Н. Шаманские легенды народов сибиря: сюжетно-мотивный состав и ареальное распределение. Автореф. Канд.филол.наук. – Москва, 2011. – С. 19.

8. Потапов Л.П. Дневник экспедиции узбекского государственного научно-исследовательского института//Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент, Фан, 2010. – Б. 172.

9. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари докт... дисс. – Тошкент, 1996. – Б.47.

10.Sattorov U.F. O‘zbek xalq toponimik nasrining tasnifi va poetikasi.Filol. fan.dokt. (DSc) diss. avtoref. – Toshkent, 2023, – B.17.

11.Раҳмонова М. Ўзбек халқ тарихий афсоналари. – Тошкент, Фан. 2001. – Б. 28.

12. Қаюмов О. Шомон афсоналари//Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. № 6. – Б.45-48.

13. Қаюмов О. Ҳақиқатга айланган мўъжизалар. – Навоий: Алишер Навоий номидаги нашриёт. 2016 – Б.27.

14. Kayumov O. The Tails About Uzbek Shaman Miracles/International Virtual Conference on The Ways of Innovative Approach on the Deployment of Science and Education.Vol. 9 Issue 5(Special Issue), May 2019.P.12-19.

<sup>14</sup> Kayumov O. The Tails About Uzbek Shaman Miracles/International Virtual Conference on The Ways of

Innovative Approach on the Deployment of Science and Education.Vol. 9 Issue 5(Special Issue), May 2019.P.12-19.